



20 20 у. « 9 » июль № Қ-338 « » 20 г.

Термиз тумани “Сурхон Намуна” массиви “Мустақиллик” маҳалласи худудидан “Исмоилбобо” чорвачилик йўналишидаги фермер хўжалигига “Иссиқхона биноси”ни қуриш учун рухсат бериш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига мувофиқ, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 15 майдаги 05-02/252-сон йиғилиш баёни ва Термиз тумани ҳокимининг 2020 йил 01 майдаги 177/01-42-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 15 майдаги 05-02/252-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Термиз тумани “Сурхон Намуна” массиви “Мустақиллик” маҳалласи худудида фаолият юритаётган “Исмоилбобо” чорвачилик йўналишидаги фермер хўжалигига ўз ер майдони ҳисобидаги кишлок хўжалик харитасининг 327қ-дала контуридаги тупроқ унумдорлиги 42 балл бўлган 1,0 гектар суғориладиган экин ер майдонига “Иссиқхона биноси”ни қуриш учун рухсат берилсин.

3. “Исмоилбобо” чорвачилик йўналишидаги фермер хўжалиги бошлиғи Н.Исмоиловга:

рухсат этилаётган ер майдонидан фақат иссиқхона ташкил этиш учун фойдаланиши;

етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши;

мақсадсиз фойдаланганда рухсат этилаётган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Термиз тумани ҳокимлиги (Ш.Уринов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботида тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Х.Саматов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов